

ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ (НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ)

Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида ШАРТНОМАСИ

15 -сон

2022 йил " 14 " 12

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Қарши давлат университети номидан Низом асосида иш кўрувчи ректор Д.Набиев бир томондан ва кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритиладиган "Юнусжон Лойиҳа Сервис" масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида иш кўрувчи директор Ф.Серажитдинова иккинчи томондан "Қарши давлат университети ҳудудидаги география полигонини мўкаммал таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш" га доир мазкур шартномасини туздилар.

Шартнома предмети

1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ "Қарши давлат университети ҳудудидаги география полигонини мўкаммал таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш" жумладан лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш, (электрон ва қоғоз кўринишида такдим этиши шарт), топография ишлари, геология ишлари, АПЗ, қурилишнинг бутун даври мобайнида муаллифлик назоратини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Бажарувчига ишларини бажариш учун зарур лойиҳалаштиришга топшириқни (задание на разработку) такдим этади, ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. Қурилиш устидан муаллифлик назоратини ўтказишда ҳамда тугалланган қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиб олиш бўйича комиссиялари йиғилишларида иштирок этади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил " 10 " 12 даги 196477-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда, шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган бажарилган ишлар калькуляциясига мувофиқ **59 572 328** (эллиқ туккиз миллион беш юз етмиш икки минг уч юз йигирма саккиз) сўмни ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Иш ҳажми қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. Бажарувчи ва Буюртмачининг мажбуриятлари

Бажарувчи:

5. Агар ишнинг бажарилиши давомида салбий натижага эришилиши аниқланган тақдирда барча ишларни тўхтатиб, ҳолат тўғрисида уч кунлик муддат ичида Буюртмачини хабардор қилиш;

6. Буюртмачидан махфий маълумотлар олган тақдирда Бажарувчи томонидан ушбу маълумотларни маълум қилмаслик ва Буюртмачининг руҳсатисиз учинчи шахсларга бермаслик;

7. «Бажарувчи» ишни сифатли бажариши, хужжатларни барча илмий техникавий ва иктисодий талабларга ва меъёрларга, Ўзбекистон Республикаси урнатилган барча қонунларга риоя этилган ҳолда бажаришга;

8. Бажарувчи томонидан Буюртмачининг барча курсатмаларини бажариш ва бажарилаётган ишлар тўғрисида талаб қилинган вақтда ахборот бериш туриш;

9. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини экспертиза органларида химоя қилишда иштирок этиш.

Буюртмачи:

10. ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

11. Шартнома талабларига қура аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

IV. Ишларни бажариш муддати

12. Бажарувчи мазкур шартномага мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

13. Танлов натижаси бўйича аниқланган ишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан иловада курсатилган ишларни бажариш графигига асосан 8 (саккиз) кунни ташкил этади.

V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдориди, аванс ўтказди, бу 17 871 699 (ун етти миллион саккиз юз етмиш бир минг олти юз туксон туккиз) сўми ташкил этади.

15. Бажарилган ишлар учун шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб ишлар тугаллангандан кейин ва ишлар белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин тўлиқ ҳажмда амалга оширилади:

16. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VI. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

17. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

18. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда қўп вақтда ҳўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

19. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

20. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

21. Мазкур шартномага ва тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

22. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

23. Бажарувчи ишларини бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

24. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

25. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

26. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, етказилган зарарларни қоплашда шунингдек пайдо буладиган бошқа низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

IX. Алоҳида шартлар

27. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

28. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

29. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

30. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

2022 yil 14 dekabr dagi

№ 15 sonli shartnomaga asosan 1-ilova

ISHLARNING KALENDAR REJASI

“Қарии давлат университети “Навруз” оиҳонасини мукаммал таъмирлаш”

qurilishi loyiha-smeta xujjatlarini tayyorlash.

№	Shartnoma bo'yicha bajariladigan ishlarning va asosiy bosqichlarning ro'yxati	Bajarish muddati		Bosqichlarning hisob qiymati yig'indisi QQS bilan birga
		Boshlanishi	Yakunlanishi	
1	Loyiha-smeta xujjatlarini tayyorlash	2022	2023	59 572 328
Jami:				59 572 328

Эллик тўққиз миллион беш юз етмиш икки минг үч юз йигирма саккиз со`м

“BUYURTMACHI” nomidan


Director
D.Nabiev

“BAJARUVCHI” nomidan


Director
E.Serajitdinova

2022 yil 14 dekabr
(oy, sana)

15 sonli shartnomaga 2-ilova

“Qarshi davlat universiteti hududidaagi geografiya poligonini muqammal taъmirлаш буйича лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш”

qurilishi loyiha-smeta xujjatlarini tayyorlash

S M E T A S I

Buyurtmachi: Qarshi Davlat Universiteti

Bajaruvchi: Yunusjon Loyiha Servis MCHJ

№	Tashkilot, qurilish inshootlari yoki ish turlarining tavsifi	Qurilish uchun loyiha (qidiruv) ishlari narxlari to'plamining qismi № bobi, jadvali bandi	Qiymatini hisoblash (axo)=c ming so'm	Qiymati QQS bilan birga
1	2	3	4	5
1	<u>“Qarshi davlat universiteti hududidaagi geografiya poligonini muqammal taъmirлаш буйича лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш”</u>	O'zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirining 2020 yil 19 avgustdagi 876-sonli buyrug'i bilan tasdiqlangan «Loyihata-dqiqot ishlarining qiymatini aniqlash tartibi to'g'risida»gi Nizom	$1402,789 \times 3,108 \times 1,2 = 52318,446$ $1402,789 \times 0,56 = 7855,623$ $52318,446 + 7855,623 = 60174,069$ $60174,069 \times 1,0 = 601740,69$ $60174,669 - 601740,69 = 59572,328$ 3,108= interpolyaciya 1,2= seismic maydon, loyiha murakkabligi 0,56 ko'effitsient pusk kompleksi 1,0= kamaytiruvchi ko'effitsient	59 752 328 (so'mma)
JAMI				59 752 328

Элик туққиз миллион беш юз етмиш икки минг үч юз йигирма саккиз сүм

“Yunusjon Loyiha Servis”

MCHJ direktori

F.Serajitdinova



Расчет ПИР Географического полигона

- Стоимости объекта составляет – 1402 789,743т. сум.
- Минимальная базовая стоимость – 3000 000 сум.
- Расчёт стоимости ПИР= 1402789,743; 300 000 = 4,676рд
- Базовый уровень = 300,000 сум

Приложение №3. Критерии расчета стоимости разработки рабочего проекта Поз. 4-5

$$5.000-3.500 = 1,5$$

$$3,5 - 3,0 = 0,5 : 1,5 = 0,333$$

$$5000-4,676 = 0,324 * 0,333 = 0,108$$

$$0,108 + 3,0 = 3,108$$

$$4676 - 3500 = 1,176 * 0,333 = 0,3916 - 3,5 = 3,108$$

Интерполяция составляет – 3,108 по категории сложности I

Приложение №1 таб.№1 поз: - 3 Коэффициенты, используемые для сложных условий при разработке ПСД

1,2-Сейсмичность участка

$$1402\ 789,743 * 3,108\% = 43598,705 * 1,2 = 52318,446\text{т. сум.}$$

Приложение №4 поз: - 5(в)Доля стоимости разработки рабочего проекта

В ценах (базовый расчет) От 800раз до 1500раз составляет:

0,56-отдельный расчет пускового комплекса

$$1402,789 * 0,56 = 7855,623\text{т. сум}$$

$$52318,446 + 7855,623 = 60\ 174,0\text{т. сум.}$$

Приложение №1таб №2 поз: - 1 Понижающие коэффициенты для определения СМР в зависимости от конкретного состава оборудования и общей стоимости строительства до 25% составляет :

1,0- понижающий коэффициент

$$60\ 174,069 * 1\% = 601\ 740\text{т.сум}$$

$$60\ 174,069 - 601740 = 59\ 572,328\text{т. Сумм}$$

Стоимость проектных работ составляет 59 572,328т.сум

(Пятьдесят девять миллионов пятьсот семьдесят две тысячи триста двадцать восемь)сумм

